O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 2-avgust, chorshanba, 31 (361)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Омад сенга, абитуриент!

Кеча мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Талаба бўлиш орзусида юрганлар ўз хоҳишига кўра, танлаган мутахассислиги бўйича ҳужжат топшириб, билимларини синовдан ўтказишди. Жорий йилда республикамизнинг олий таълим муассасаларига истеъдодли ёшларнинг 51604 нафари бакалаврликка ва 6500 нафари магистрликка қабул қилинади.

Давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар талаба бўлиб, кенг ва ёруғ ҳамда барча шарт-шароитларга эга аудиторияларда таҳсил олишади. Улар республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар бўлиб етишадилар.



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ва «Миллий тикланиш» газетаси

«МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ — АЁЛ ТАҚДИРИДА»

мавзусида ижодий ишлар кўрик-танловини эълон қилади.

Ҳар бир жамиятнинг эркинлиги, фаровонлиги аёлларга бўлган муносабатда ўз ифодасини топади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 15 йил тўлган бўлса, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, туб янгиланишлар, мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Аёл-она — миллат генофондининг яратувчиси, мураббий, соғлом авлод бунёдкори. Унинг зиммасида фарзандлар камоли, Ватан тинчлиги, осойишталиги, фаровонлигига беқиёс, бетакрор оналик қалби билан ҳисса қўшишдек масъулият бор. Бугина эмас, у қизларга мураббий, устоз. Оилада рўзғорнинг файз-барокатини таъмин этиш, миллий урф-одатларимиз — қадриятларимизни сақловчи қайвони. Ватан иқтисодиёти, салоҳияти, маънавияти аёлнинг тафаккури, ҳаётдаги ўрни, амалий ишларида намоён бўлади. Бу борада мисоллар кўп, албатта. Шу боис мазкур танлов орқали ёшларимиз, қизларимиз ҳаётининг кўзгуси сифатида ёш авлодни камол топтириш: миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш назарда тутилади.

Танловга юборилаётган ишларда бу жараёнлар ўз ифодасини топиши, акс эттирилиши лозим.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танлов уч йўналишда ўтказилади:
- **Энг яхши мақола**
- **Энг яхши шеър**
- **Энг яхши фотосурат**

Ижодий ишлар 2006 йил 15 августгача қабул қилинади ва уларнинг энг муносиблари "Миллий тикланиш" газетаси саҳифаларида ёритилади.

Танлов ғолиблари 2006 йил 25 август куни аниқланади ва "Миллий тикланиш" газетасида эълон қилинади.

Ижодий танловнинг уч нафар ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Мурожаат учун телефон:

ЎзМТДП Марказий кенгаши: 144-81-28, 144-83-05
"Миллий тикланиш" газетаси: 136-58-73

Партия ҳаёти

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ИЗЛАБ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар филиали ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда "ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"ни фаоллаштириш: муаммолар, изланишлар ва ечимлар" мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Йиғилиш қатнашчилари "Ўзбекистон Республикасида давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида"ги Қонун ҳамда партиянинг дастур ва уставидан келиб чиққан тамойил ва вазифаларга асосланиб шаҳар партия ташкилотининг "Ёшлар қаноти"ни фаоллаштириш муаммоларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг IV пленумида қайд этилган камчиликларни ҳисобга олиб, ёшлар орасида бўлажак етакчиларни аниқлаш, уларда ижтимоий ва сиёсий фаоллик қобилиятларини шакллантириш, ўзлари танлаган соҳаларида ўсишига кўмаклашиш, тадбирларни ўтказишда расимиятчиликни бартараф этиш масалалари бўйича баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Йиғилганлар ўз-ўзини бошқариш органлари ва партиянинг депутатлик гуруҳлари, аёллар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича фикр алмашдилар. Маърузаларда ёшларни ватанпарварлик, маънавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик қарашларини шакллантиришда партиянинг "Ёшлар қаноти" фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Тадбирда партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ж.Тошматова, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар бўлимининг директори Б.Мамадиев, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" мутахассиси А.Рўзитоев, пойтахтимизнинг Миробод, Сирғали, С.Раҳимов ва бошқа туманларидан келган лидерлар иштирок этишди ва ўз муаммоларини ўртага ташлашди.

— Ёшлар учун энг долзарб муаммо нима эканлигини сўровнома жавоблари белгилаб берди, — деди А.Рўзитоев. — Бу ишсизлик муаммосидир. Бу борада меҳнат биржалари билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир.

Йиғилиш сўнгида республикамизда мавжуд барча партияларнинг мазкур долзарб муаммони ҳал этишдаги тажрибаларини ўрганиш учун алоҳида давра суҳбати ташкил этишга келишиб олинди.

* * *

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида "Сиёсий партиялар веб-сайтларини ривожлантириш омиллари" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда сиёсий партиялар матбуот хизматлари котиблари, партияларнинг электрон нашрлари ҳисобланган тегишли веб-сайтлари мутасаддилари, ОАВ ходимлари ва партия қурилиши муаммолари бўйича экспертлар иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги «Жонбузсой» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан Шовот туманидаги дам олиш оромгоҳларида «Миллат равнақи ёшлар билан» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши томонидан Наманган туман марказий шифохонасида "Ҳомийлик — эзгулик йўлидаги қадам" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида "Миллий ва маънавий қадриятларимизга ёшларимиз эътибори" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят клиник касалхонасида "Халқ соғлиғи — олий манфаат" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилояти Муборак туман кенгашида "Ёшлар ва сиёсат" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан Самарқанд туманидаги маҳаллаларда "Оила, фарзанд ва мактаб" мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти Зафаробод туман кенгашида "Мустақиллик — буюк неъмат" мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги "Пахтали сой" маҳалла фуқаролар йиғинида "Ҳомийликдан эл обод, мурувватдан кўнгил мунаввар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Денов туман кенгашида "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" мавзуида очиқ мулоқот ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қарши шаҳар кенгаши "Самарқанд" маҳалла фуқаролар йиғинида "Аёл борки, олам мунаввар" мавзуида давра суҳбати ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилоят Бухоро туман кенгаши томонидан "Миллий истиқлол мафкураси ва ёшлар тарбияси" мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Наманган вилоят Норин туман кенгаши туман меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимида "Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни" мавзуида ўқув-семинар ўтказди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Йўлда бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим. Картошка олиб-сотар экан. "Қанчадан олиб, қанчадан сотасиз?" дедим қизиқиб. Мени ҳайрон қолдирган нарса, опахон картошкани олган нархида сотар экан. "И-я, унда сиз кун бўйи бозорда..." — деб бошлаган гапим тугамасиданоқ аёл:

— Тарозини тўғрилаб қўйганмиз, — деди кўзини қисиб. — Картошка қимматроқ-да! Ҳар килосидан икки-уч донадан қолсаям...

ҲАЛОЛЛИКНИНГ БАҲОСИ БОРМИ?

Аёлнинг терлаб кетган юзида заррача андишани кўрмадим.

Бозорда ҳамма нарсанинг баҳоси бор, албатта. Картошканинг, сабзи-пиёзнинг, ёғ билан гўштнинг ҳам. Бозорга бориб ҳалолликнинг баҳосини билмоқчи бўлдим. Юқоридаги саволни бошқачароқ маънода олиб-сотарларга бериб кўрдим. Савдолаша туриб «деҳқонмисиз?» деб сўрайман сотувчидан.

— Ҳа, энди, йил бўйи шу ердамиз, буёғи деҳқончилик...

— Олаверинг, деҳқонларнинг нархида, — деб гапга қўшилади ёнидаги аёл.

Сабзи-пиёзни, гуручни ҳам деҳқондан олсангиз, арзонроқ... савдогардан олсангиз, бироз қимматроқ-да, деб кўясиз ичингизда. Шунга ўхшаб бошқа нарсаларни ҳам «биринчи қўлдан» олсангиз, арзон баҳога олган бўласиз. Устама нархни ҳам «эл қатори» белгилашади. Савдо қилаётганлар ичида ҳалол одамлар ҳам кўп. Аммо...

Сўзимиз аввалида кўпчилик яхши биладиган бир ривоятни келтиргим келди. Эмишки, қадим замонда бир йигит бахтини излаб сафарга чиқибди. Йўлда ҳориб-чарчаб сув бўйидаги дарахтнинг соясида дам олибди. Ариқдаги сувдан қип-қизил олма оқиб келаётган эмиш. Йигит қирмизи олмани қўлига олиб, беихтиёр унинг мазасини тотиб кўргиси келибди. Олмани бир тишлабди-ю, "оҳ", дебди. «Ахир, бу олма кимнинг боғида пишганини билмайман-ку, бировнинг ҳақи ёмон бўлади, энди ўша боғбонни рози қилишим керак», деб ўйлабди у. Ариқдаги сувнинг йўналиши бўйлаб олма оқиб келган томонга қараб юра бошлабди. Анча йўл босиб катта бир боғнинг олдидан чиқибди. Боғбон билан салом-аликдан кейин мақсадга кўчибди. «Олманинг баҳосини айтинг, токи мен сизни рози қилай», — дебди йигит унга. Шунда боғбон мийиғида кулиб шундай дебди:

— Бу олма жуда қиммат туради, ўғлим, сендан рози бўлишим учун менинг якка-ю ёлғиз қизимга уйланасан. Фақат, қизимнинг кўзи кўрмайди, қулоғи эшитмайди, гапиролмайди, оёғи чўлоқ, юролмайди.

Қадрият

Йигит ўйланиб қолибди. Охири, нима бўлса бўлди, тақдиримдан кўрдим, деб ўша қизга уйланишга рози бўлибди.

Боғбон йигитнинг яхши тарбия кўрганлиги, бировнинг ҳақидан қўрқадиган, ҳалол, оққўнгиллигини кўриб шундай деган экан. Аслида унинг қизи ҳусну малоҳатда тенгсиз бир гўзал экан. Йигит ота-онасидан ризолик олибди, тўй куни белгиланибди. Қарасаки, келинчак ногирон эмас, жуда чиройли қиз экан. Шунда боғбон йигитнинг ёнига келиб: «Қизимнинг кўзига бегона нигоҳ тушмаган, қулоғи ғийбат гапларни эшитмаган, тилидан ёмон гап чиқмайди, ўзи остона ҳатлаб кўчага чиқмаган, бежо қадам босмаган дегандим, ўғлим», — деган экан.

Бировнинг боғида ўсган олманинг бир тишламини еб, ўзини айбдор сезган йигитга ўхшаган одамлар ҳозир ҳам кўп. Бироқ, орамизда қандай йўл билан бўлмасин, кўпроқ пул топиш ниятида яшаётганлар кўпайиб бораяпти, назаримда. Ҳамма замонларда ҳам шундай бўлган, ҳаётнинг оқ билан қора ранглари бор-да, дейишингиз мумкин. Бир пайтлар ўғирлик қилган одамнинг аввал ўнг қўлини, шу ҳол яна такрорланса, иккинчи қўлини ҳам кесиб ташлашган экан. Йиллар ўтди, замонлар ўзгарди, одамларнинг дунёқараши ҳам ўзгарди. Ҳозир ўғирлик қилганларга қонун асосида жазо тайинланади. Аммо... гап бу ҳақда эмас, одамнинг бировнинг ҳақидан, яъни ҳаром нарсадан қўрқмаганида!

Ҳалолликда барака бўлади, дейди доно халқимиз. Азалдан ҳар бир ишда, айниқса, савдо-сотиқ ишида ҳалол бўлиш одамийликнинг биринчи белгиларидан саналган. «Мухтасар» деган китобда ўқиганим бор, савдо-сотиқнинг ҳам қонун-қоидалари бор. Сотиб олинган нарсани ўша жойнинг ўзида бошқа бировга пуллаб юбориш нотўғрилиги, бундай йўл билан топилган пулнинг ҳалол бўлмаслиги айтилган. Минг афсуски, ҳозир бундай қоидаларга амал қиладиганлар жуда камайиб кетяпти. Бугунги кунда бозорга тушиб бирор нарса харид қиламан, десангиз, кўпчилик тарозим тўғри, деб қўяди сўрамасингиздан аввал. Савдолашсангиз, «ўзим шунчадан олганман, менга озгина пулингиз қолади», дейди.

(Давоми 2-бетда)

• *Таълим*

МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ МЕЪМОРЛАРИ

Одамзот нимагаки эришган бўлса, бунга, аввало, ўз табиатидаги "эҳтиёж" деган истак туфайли етишган. Ана шу истак бўлмаганида, одамзот ғордан чиқмасди. Эҳтиёж бўлмаганида, у буғдой экишни, нон ёпишни, ер ҳайдашни ҳам билмасди... Эҳтиёж турли касб-кор, ҳунарларнинг пайдо бўлишига ҳам пойдевор бўлган. Уларнинг миқдори, айрим манбаларда қайд қилинишича, уч мингдан ҳам ортиб кетган. Демак, кишилар бир-бирларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шунча касб-кор билан шуғулланади. Масалан, деҳқончилик, чорвачиликнинг ўзида ҳам қатор соҳалар юзага келганки, уларда бир неча касб-кордаги кишилар банд. Санъат, қурилиш йўналишида ҳам худди шундай. Ҳарбий ёки тиббиёт билан боғлиқ тармоқларда ҳам кам деганда бир неча юз касб-кор мавжуд...

Лекин турли касб-кор эгаларининг барчаси бир кишини — ўз ўқитувчисини ҳеч унутмайди. Қаерда юрмасин, албатта, мактабда ўқитган, ўқув юртларида унга дарс берган ўқитувчи-устозларини эслайди. Чунки ўқитувчилар нимаси биландир ҳар бир кишининг ҳаётида бошқалардан кўра чуқурроқ из қолдиради. Улар сиймоси инсоннинг хотираси кенгликларида тоғ чўққисидай юксалиб туради. Айниқса, биринчи синфда ўқитган ўқитувчилар ҳеч эсдан чиқмайди. Эҳтимол, бу ҳар бир кишининг болалиги билан бевосита боғлиқлиги учундир... Ҳар бир кишининг болалик хотиралари "тўри"да шубҳасиз, "биринчи ўқитувчи" туради. Киши болалигини, мактаб даврини эслаганида шу ўқитувчисини ҳеч четлаб ўтолмайди. Биринчи ўқитувчи болалик билан, мактаб даври билан боғлиқ барча воқеаларни бамисоли занжир ҳалқаси бўлиб туташтиради. Бу "занжир ҳалқаси" ҳар гал кўринганида кўнгилда алланима зирқираб кетади. Соғинч, ўкинч ва нималардандир хижолат тортиш ҳисси кишини азоблайди. Биринчи ўқитувчи гўё: "Сен шундай эдинг. Эсингдами...", — деяётгандай бўлаверади.

Мактабларда авваллари аксарият ўқитувчилар эркак кишилар бўлиб, уларга қишлоқ жойларда энг пешқадам зиёли сифатида қаралар эди. Ўтган асрнинг 60-70-йилларида ўқитувилар нафақат дунёқарашининг кенглиги, балки ўзининг юриш-туриши, кийиниши, муомаласи, умуман, ҳар жиҳатдан маданий киши намунаси сифатида кўринарди. Тўй-маросимларда ўқитувчилар энг ҳурматли киши сифатида эъзозланарди. Кўпчилик уларнинг маслаҳатига қараб иш тутарди. Афсуски, энди бу мезон ўзгарди. Бу ўзгариш яхши томонгами ёки аксинча, билиб бўлмай қолди.

Ўқитувчиларнинг мавқеи жамият ҳаётининг турли жиҳатлари билан чамбарчас боғлиқ. Ўқитувчи-мураббийлар мавқеини оширишга, уларнинг хизматини рағбатлантиришга барча даврларда эътибор берилади.

(Давоми 2-бетда)

«МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ — АЁЛ ТАҚДИРИДА» кўрик-танловига

Суҳбатдошимиз — Шарофат Ашурова. Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими бошқаруви раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. "Чиннигул", "Қудуқ", "Совға", "Илоҳий тун", «Қусам шайх» каби ўнлаб ҳикоялар тўпламлари, қисса ва романлар муаллифи.

Истиқлол шарофати

— Шарофатхон, сиз аллақачон ўз мухлисларингизга эга бўлган адибасиз. Оддий китобхонларгина эмас, балки таниқли адабиётшунос олимлар ҳам ўз мулоҳазаларида бу фикрни бир неча бор эътироф этишган. Одатда, ёзувчиликни қисмат билган инсонлар ёлғизликда ижод қилишга мойил бўлишади. Сиз ҳам зиммангизга масъулиятли вазифани олгансиз.

— Ёзувчилик — инсон қалбини, инсон руҳиятини кашф қилиш. Мен ана шу жараёнда, яъни замондошларимиз ва қадим аждодларимиз ҳаётини, қалб дунёсини ўрганиш чоғида ҳар бир инсон жисми жонида жуда улкан бойликлар яшириниб ётганини кашф қилдим. Ўйласам, ҳар бир одамнинг ўзи орзуармонлари, изтироб, қувончлари билан бир қадрият экан.

Улар ҳақида фақат асарлар орқали эмас, жамики йўллар орқали гапириш керак экан. Ватан мустақиллиги менинг бу ниятларимга йўл очди. Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси тузилди. Бу жамғарманинг мақсад ва вазифалари ниҳоятда улуғ. Ватанимиз миллий маданияти ва санъатини дунёга танитиш, маданий ёдгорликларни излаб топиш, юртимиздаги улуғ қадамжолар билан боғлиқ ерларга зиёрат ва саёҳатлар уюштириш, меросимизга оид китобларни нашр қилдиришга бош-қош бўлиш...

Ҳар бир мақсад замирида фуқароларимиз қалбида миллий ғурур уйғотиш, ўзини-ўзига танитиш мавзуси бор. Ўзимни шу мақсад учун сафарбар этилган ижодкор деб ҳисоблардим. Шунинг учун бу масъулиятли вазифани топширишганда, бажону дил рози бўлдим.

— Тарихий обидаларни таъмирлаш, улуғ қадамжоларни зиёратгоҳларга айлантириш борасида Қашқадарё вилоятида кейинги йилларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бунга қандай улуш қўшмоқда?

— Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан жуда кўплаб тарихий иморатлар таъмирланмоқда. Биз бу иморатлар тарихи, нима учун улар янгиланиб, халққа қайтарилаётгани ҳақида вилоят телевидениесида қатор кўрсатувлар уюштирдик. Газеталарда мақолалар эълон қилдик. Мақсад — халқ бу бойликларини танисин. Уларнинг шунчаки иморат эмас, халқ зеҳни, тафаккури, нафосатининг рамзи эканлигини билсин. Бизнинг тарғибот одамлар орасида ана шундай таассурот уйғотаётганидан хурсандмиз. "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлими ҳомийлигида "Қусам шайх" романи нашр этилди. Аҳмад Яссавий ҳазратларининг эвараси, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг устозлари, Қашқадарё ҳадисчилик мактаби асосчиларидан бири Қусам шайх ҳаёти, фаолиятини ўрганишимиз жараёнида Самарқанд ва Нурота шаҳарларидан бу зоти муборакнинг авлодлари топилди. Жамғармамиз ташаббуси билан улар Қашқадарёга келишди ва биз Самарқанд, Навоийга бордик.

Бундан ташқари, ёшлар таълим олаётган илм масканларида "Насафийлар ёди", "Қашқадарё олималари" мавзуларида маърифий тадбирлар, "Қадим наво оҳанглари", "Барҳаёт наволар" каби халқ лапарлари, бахшилар айтишувлари ўтказилмоқда. Буларнинг ҳаммаси миллий қадриятларимизга умр бағишлайди. Инсон ўзининг

ким эканлигини таниса, қандай аждодга мансублигини англаса, аждодлари руҳи олдида ўзини қарздор сезса, мен уларга муносиб бўлишим керак, деган туйғу билан яшаса, бу унинг бугуннинг одамига, истиқлол одамига айланганидан далолат.

— Назаримда, иш фаолиятингиз ижодингизга ҳам ижобий таъсир ўтказади, шундай эмасми?

— Инсон ўзини иккига бўлиб яшадими, демак, бу — унинг юрагига хиёнат қилгани деб ўйлайман. Бу ишим — ойлик оладиганим, нарибери юмалоқ-ёстиқ қилайда, кетай. Буниси — ижодим, бу менинг абадиятга қоладиган ишим. Бунга бор кучимни берай, деса, худди ана шу хаёлнинг ўзи унга халақит беради. Иш ишни очади, деган гап бор. Мен аввалроқ ҳазрати соҳибқирон Амир Темурнинг болалиги ҳақида "Илоҳий тун" асарини ёзган эдим. Яқинда тарихчи олима Қурбоной Аҳмедова билан ҳамкорликда "Қусам шайх" романимиз чоп этилди. Ҳар иккала асаримиз қаҳрамони ўз куч-иқтидорини туркий миллатнинг адолати, тафаккури, салоҳиятини юзага чиқариш учун сарфлаган. Мен жамғарма фаолияти билан шуғуллана бориб бири-биридан қизиқарли, ишончли манбалар топдим. Халқ учун, миллат учун қилинган яхшиликлар тарих тўзонларида кўмилиб кетмас экан. Улар чиғаноқдаги дурлардай қаердадир сақланар экан. Шу маънода ишим менга: «Изланавер, изланавер, топасан!» деган бир ишончни ўргатди.

— «Қадрият» сўзи фақатгина тарих билан боғлиқ эмас...

— Албатта. Жамғармамиз иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Тўра Жуманнинг 80 йиллиги, таниқли соз устаси Иноят Қодировнинг 75 йиллигини нишонлашга бош қўшди. Яккабоғ туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Хўжа Илғор қишлоғида Амир Темур боғи яратиш режаси амалга оширилмоқда. «Шўртаннефтгаз» корхонасининг 25 йиллиги муносабати билан ушбу улкан мажмуа тарихи, тараққиёти, бугунига бағишланган китоб нашрга тайёрланмоқда. Ҳаёт давом этаверади. Мана, Ватанимиз истиқлолга эришганига ҳам 15 йил тўляпти. 1991 йилги фикрларимиз, яшаш тарзимиз билан бугунимиз орасида 15 пиллапояга фарқ бор. Қанчалар баландладик, юксалдик.

Қусам шайх ҳазратларининг тарихида бир воқеа бор. Улар истиқомат қилган қишлоқ — Пудинада бир кураш бўлади. Мезбон полвоннинг кўзига қум сочиб, меҳмон полвон енгади. Ғирромлик билан, албатта. Йиқилган полвоннинг орини олиш учун майдонга мезбоннинг укаси чиқади. У меҳмон полвонни йиқитади. Аммо ўзи жароҳат олади. Қусам шайхнинг табибликдан хабари бор эди, у уйига ярадорни олиб келади. Даволаш жараёнида унинг ука эмас, сингил эканини билиб қолади. Мезбон полвон ҳам айнан Қусам шайх назоратида даволанаётган эди. У сингилисига номаҳрам қўл текканидан азобланади. Шунда Қусам шайх полвон қизга уйланади. Нима демоқчиман? Ор-номус масаласига қанчалар эътибор билан қаралган. Миллат барқарорлигининг асосий устунларидан бири — ор-номус. Ана шу ҳиссиётни ҳам асраш — зарурият. Ана шу ҳиссиёт кечанинг ҳам, бугуннинг ҳам қадрияти. Хуллас, ҳар куни ҳаётимиздан бир фалсафа топаман. Истиқлолнинг ҳар дақиқаси бизга нимадир ўргатади, яхши бир сабоқ беради...

Бўритош НОСИРОВА суҳбатлашди.

• *Акс-садо*

ЎҚИТУВЧИЛИК — ШАРАФЛИ КАСБ

«Миллий тикланиш» газетасининг 2006 йил 26 июлдаги сонида «Муаллим бўлиш осонми?» номли мақолани ўқиб, ўқувчилик йилларимни эсладим, кечаги ва бугунги мактаб ҳаёти ҳақида ўйладим. Устозларга айтадиган гапларимни беихтиёр қоғозга туширдим.

Мактабга борганимда қўлимга қалам тутишни ҳам билмас эдим.

Биринчи ўқитувчим Ойдин опа Жабборова бошқа синфдошларим қатори менга ҳам ўқишни, ёзишни ўргатди. Устозимиз бизга сидқидилдан, оналарча меҳрибонлик билан дарс берганликлари учун тез орада мактаб иккинчи уйимизга айланди. Ойдин опа ўқувчиларга қўшимча дарс беришни муаллимлик бурчи деб биларди. Ўша пайтларда қўшимча машғулотлар учун муаллимларга ҳақ тўлаш тўғрисида гап ҳам йўқ эди.

Опамиз ажойиб инсон эди. У бизни ўз фарзандидай кўриб, болам, деб қўярдилар. Дилимизда илм олишга меҳр, ҳаётга муҳаббат уйғотган бу инсондан бир умр миннатдорман. Энди ўйлаб қарасам, Ойдин опанинг ўзига хос дарс ўтиш услуби бор экан. Бирор ишни бажаришимизга, дарсларни ўзлаштиришимизга қараб, бизни рағбатлантириб турардилар. Мустақил фикримизни айтишга йўл берардилар. Қиш ойларида қишлоқ мактабларида шароитлар анча оғир бўларди. Синф хонасидаги чўян печкани ҳам ўқитувчимизнинг ўзи ёқарди, печканинг устида чой қайнарди. Опамиз катта танаффус пайтида уйларидан олиб келган ширинликлар билан бизни сийлардилар, бир пиёладан иссиқ чой ичирардилар. Яна дарсни давом эттирардик. Шароит қийин бўлишига қарамасдан, ўқишга ҳавасимиз баланд эди. Ойдин опага сизга нима, ҳар ким ўқиса ўзи учун ўқийди, бошқаларга ўхшаб юраверинг, деганларни ҳам кўрганман. Аммо устозимиз ўзгармади.

Ҳар сафар мактаб ҳаёти, ўқитувчилар ҳақида гап кетганда, кўз ўнгимда Ойдин опа гавдаланади. Устозимнинг самимий, ҳамиша кулиб турувчи чеҳрасини эсласам, дилимга бир ёруғлик ингандай бўлади. Ўқувчининг келажаги унинг биринчи қадамига боғлиқ, дея ўйлайман. Муаллим бўлиш осон эмас! Ўқитувчилик ҳам шараф, ҳам масъулият! Бир ўйлаб кўринг, Ойдин опанинг ўрнида биринчи ўқитувчим бошқа киши бўлганида балки у шу қадар ёдимда қолмаган бўларди.

Яқинда қизимни 6 ёшдан мактабга бермоқчи бўлиб мактабга бордим. Фарзандимни Тошкент шаҳридаги 82-мактаб қошида халқ таълими бўлими ходимлари ва ўқитувчилардан тузилган ҳайъат аъзолари кўригидан ўтказиб келишимни айтишди. Айтилган мактабга бордик. Лекин ҳайъат аъзоларининг муносабатларини кўрган бола у ёқда турсин, биз катталарнинг ҳам дилига қоронғулик тушди. Эшик олдида ўтирган болалар врачи ва ҳамшира нимагадир асабийлашган ҳолда ҳужжатларимизни текшириб, қайта руҳшунос кўригидан ўтиб келишимизни айтишди. Биз боғчадан ёзиб беришган маълумотномани кўрсатдик. Аммо... Хуллас, қайта кўрикдан ўтиб келганимиздан кейин ичкарига киришга рухсат берилди. Қизим билан дадаси кириб кетишди. Улар чиқкунча навбат кутиб ўтирган оталар билан суҳбатлашиб қолдим. Улардан бири мендан: «Гаплашганмисизлар?», — деб сўради. Аввалига унинг гапига тушунмадим. Кейин хижолат тортгандек бўлиб, нимани гаплашиш кераклигини сўрадим.

— Мактабга жойлаштириш масаласини-да! — деб жавоб берди ёнимдаги аёл ҳайратини яширолмай.

— Йўқ, гаплашмадик, қизимиз боғчага боради, таёрлантирганмиз, унча-мунча нарсани билади, — дедим. Орадан бир оз вақт ўтиб, қизим ва дадаси чиқиб келишди.

— Гаплашиш керак экан, — дедим дадасига.

— Қизимиз ҳамма саволларга тўлиқ жавоб берди-ку, соғлом бўлса... кераги йўқ, гаплашмаймиз, — дедилар. Кетмоқчи бўлиб тургандик, эшик олдидаги врач чақириб қолди. Қизимни қайта тиббий кўрикдан ўтказиши керак экан.

Шаҳримизда бизга ўхшаб муаммоларга дуч келиб юрган ота-оналар оз дейсизми?! Яна бир гап. Дарс қолдирадиган ўқувчилар ҳақида кўп гапирилади, лекин негадир дарсга келмайдиган ўқитувчиларга эътибор берилмайди. Ҳамма ўқитувчиларни ҳам ўз ишига масъулиятли деб бўлмайди. Бу гап, айниқса, турли тадбирлар — гап, бешик тўйи, ҳайит ва бошқа сабаблар туфайли дарсни мунтазам қолдирадиган ўқитувчиларга тегишли.

Ўқитувчилар ўртасида репетиторликнинг пайдо бўлиши баъзи бир муаллимларнинг дарсга лаёқатсизлик билан қарашини ҳам келтириб чиқармоқда. Бироқ негадир устозликни энг олий вазифа деб билганим, ҳалол, касбини чин дилдан севадиган ўқитувчилар, чин зиёлилар кўплиги учун айрим салбий ҳолатлар тўғрисида гапиришни ноўрин деб ҳисоблайман.

Шоира НУСРАТОВА.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Бектемир туман ички ишлар бўлими участка катта нозири, милиция капитани Тоҳир Тўхтасинов бир неча йилдан буён тизимда хизмат қилиб, аҳоли осойишталигини сақлашга муносиб улуш қўшиб келмоқда. У бир неча маротаба туман ички ишлар бўлимининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган. Ҳамкасблари уни ҳурмат қилишади.

Суратда: Тоҳир Тўхтасинов фуқаролар билан суҳбатлашмоқда. Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

• *Таълим*

МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ МЕЪМОРЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Бу ҳамма давлатлар тарихида кузатилади. Чунки ҳар бир мамлакатнинг эртанги куни, келажаги, шубҳасиз, ёшларнинг қандай тарбияланиши, таҳсил олишига боғлиқ. Тарбия, таҳсил ҳар қандай таназзулдан чиқишнинг пойдевори эканлиги Япония, Малайзия каби давлатларнинг яқин ўтмишдаги тарихида яққол кўринди. Улар бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторида туради. Бунга улар, аввало, таълим-тарбия тизимига жиддий эътибор қаратгани туфайли эришди. Ўзбекистонимизда ҳам жаҳон тажрибасида исботланган ана шу ҳақиқатга эришиш йўлида дадил саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан, коллеж, лицейлар учун қурилган замонавий биноларга қараб, кўз қувонади. Ўқитувчи-мураббийлар мавқеини кўтариш борасида узлуксиз ғамхўрлик қилинмоқда. Мамлакатимизда ҳеч бир касб-кор эгаларига уларчалик эътибор берилган эмас. 1 октябрнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида мамлакат миқёсида байрам деб расман белгилаб қўйилгани ҳам шундан далолат беради. Бошқа бирор бир давлатда бундай байрам ўтказилмайди.

Ўқитувчининг меҳнати меъмор, қурувчи ёки боғбоннинг меҳнати сингари яққол самара бермайди. Унинг "ҳосил"ини кўришга беш-ўн йил ҳам камлик қилиши мумкин. Ўқитувчи-мураббийнинг меҳнати самарасини кўпчилик сезмайди ҳам. Масалан, Фирдавсий, Навоий, Шекспирни ким ўқитгани, ким уларга ҳарф ўргатиб, қалам ушлашни ўргатганини ҳеч ким билмайди. Кўпчиликнинг назарида бу бош қотиришга арзийдиган муаммо ҳам эмас. Муаллим-мураббий меҳнати "мева"сидан ҳамма ўзи билмаган ҳолда баҳра олади. Аммо шу "мева" қайси "боғ"да етишганини кўпда суриштирмайди.

Заргарлик энг диққатталаб ва нозик касб ҳисобланади. Бу — тўғри. Чунки жимжилоқ тирноғининг бетича кичик бир саҳнда жимжимадор шакл ҳосил қилиш, кўзни қувонтирадиган манзара яратиш осон иш эмас. Аммо ўқитувчи-мураббий ҳам биринчи синф ўқувчисига ҳарфларни ёзишу ўқишни ўргатгунча заргардан кам азоб тортмайди. Бир хил ҳарфлар, бир хил сўзлар ёзилган ўттизта, олтмишта дафтар саҳифасини қизил қалам ушлаб текшириб чиққунча ҳар қандай ўқитувчининг асаблари қақшаб кетади. Бир хил матндан иборат ўттиз-қирқта диктантни баҳолаб чиққунча муаллим миясидаги минглаб ҳужайра ишдан чиқади. Ажинлар эрта "ҳужум" қилган пешоналаридаги тиришиқлар норозилик "хат"и бўлиб чуқурлашаверади. Афсуски, бу "мактуб"ни ҳеч ким ўқимайди, эътибор қилмайди. Агар мазкур "мактуб"га сал-пал эътибор қилинганида эди, атрофдагилар албатта ўзларининг айбдор эканлигини билиб, хижолатдан ер чизиб қолишарди.

Бу касб эгаларини "бир муаллим-да" деб камситиб, ерга урадиганлар ҳамма замонда, ҳамма жойда талайгина топилади. "Ўғлимнинг мактабга келиш-келмаслиги билан ишингиз бўлмасин. Эртага ҳеч бўлмаса, сиздай муаллим бўлар" ёки "Қизимнинг кийинишини таъқиб қилишга ҳақингиз йўқ. Унга кўйлак олиб бермагансиз-ку! Дарсингизни ўтинг-да, жимгина юринг", — дейдиганлар ҳам учраб туради. Аввало, ўқитувчига беписанд муомала унинг бошқаларга нисбатан одмироқ, камбағалроқ яшаши туфайли туғилади. Абдулла Қодирий иқтисодий ночорлик, камхаржлик муаллимни қанчалик қурумсоққа айлантиришини "Меҳробдан чаён" романида Солиҳ махдум образида аниқ кўрсатади. Лекин бойга, мансабдорга мутелларча таъзим қилиб, муаллимга беписанд муомала қилиш маънавий қашшоқликдан келиб чиқади. Маънавияти мустаҳкам миллат кишилари ҳеч қачон муаллим-мураббийларини бошқалар олдида хор, муте қилиб кўймайди.

Шаркда азалдан муаллим-мураббийларга миллат маънавияти меъмори деб қараб келинади. Иморатнинг қандай бўлиши эса, аввало, унинг меъмори чизган лойиҳага боғлиқ. Пойдевор қуювчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар меъмор чизган лойиҳага асосан иш тутади. Миллат маънавиятининг меъмори саналган мураббий-муаллимларнинг иши бирор-бир иншоот лойиҳасини яратадиган меъморнинг меҳнатидан минг чандон мураккаб. Аввало, бу иш жуда узоқ давом этади. Қурилиш меъмори лойиҳасини бир ҳафта, бир ой ёки бир неча йилда ишлаб чиқади. Бу меъморнинг иш жараёни кўпроқ қоғозқалам ушлаган пайтида кечади. У чизмаган, ёзмаган пайтида кўчада, оиласи даврасида бемалол, эркин юраверади. Муаллим-мураббий эса синфга, аудиторияга кирган пайтидагина эмас, кўчада юрганида ҳам, тўй-маросимларга борганида ҳам иш билан банд бўлади. Яъни у ҳеч жойда ўзини бошқалар сингари эмин-эркин тутолмайди. У ҳамма жойда ўзини муттасил кузатувда тургандай ҳис қилади. "Атрофдагилар нима дейди?", "Ўқувчиларим бордир..." каби андиша, хавотир ўқитувчини кун-тун таъқиб қилади. Шу касбни ҳаётининг мазмуни деб билган ҳар бир ўқитувчи-мураббий доимо шу таъқиб остида яшайди. Шу боисдан барча касб-кордагилардан кўра ўқитувчи-мураббийлар уялиб, қисиниб-қимтиниб яшайди. Уларнинг юз-кўзидан ҳам уятчанлиги аниқ билинади. Алланимадан хижолат бўлаётгандай ийманиб туриш улар феъл-атворининг ўзига хос энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ўқитувчи-мураббийлар орасида қабиҳ жиноятлар қиладиганлар жуда кам учрайди. Тўғрироғи, бундайлар таълим-тарбия соҳасига адашиб кириб қолганлардан чиқади. Бу ҳам ўқитувчи-мураббийларнинг бошқа касб-кордаги кишилардан маънавий-ахлоқий жиҳатдан устун эканлигидан далолат беради. Аслида ҳам турли тоифадаги кишиларнинг маънавий-ахлоқий даражасини уларнинг қонунга муносабати, жиноий ишларига қараб белгиласа бўлади. Ўқитувчилар қонунга энг итоатгўй кишилар ҳисобланади. Қоидаларга амал қилишу ҳақ-ҳуқуқлари учун тортишиш борасида ҳеч бир касбдагилар ўқитувчилардан ўтолмайди. Бошқа касб-кордагилар тартиб-қоидалар атрофидан "айланиб" ўтиш, нима қилиб бўлса-да, ўз манфаатини қондиришга мойилроқ бўлади. Ўқитувчилар эса ўзидан кўра бошқаларнинг манфаати учун кўпроқ жон куйдиради. Миллат учун куйинчак кишиларнинг энг кўпи ўқитувчилар орасидан чиқади. Шу боисдан ҳам "Муаллимлар — миллат маънавиятининг меъморлари" дейилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний кабилар миллатимизнинг шундай фидойилари эди. Уларнинг аксарият сафдошлари муаллимлик қилишган, мактаблар очишган, дарсликлар ёзишган. Муаллимларнинг маънавият меъмори, жамият ислоҳотчиси сифатида майдонга чиқиши барча халқлар тарихида кўринади. Мамлакат таназзулга юз тутиб, кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга ошириш заруратга айланган кезларда биринчи бўлиб муаллимлар ташаббус кўрсатади. Тарихий бурилишларнинг кескин зарбаларини, аввало, ўқитувчилар ўз зиммасига олади.

Ҳеч ким ўз ҳаёт йўлида ўқитувчини четлаб ўтолмайди. Муаллим-мураббийнинг меҳнатига ҳамма эҳтиёжманд бўлади. Киши ўзининг бу эҳтиёжини қанчалик қондирса, шунчалик улғаяди. Ўқитувчисининг ўргатганларига беписанд қараганлар, албатта, пушаймон ейди. Бу пушаймонликни ҳар бир киши оздир-кўпдир, албатта, сезади. Шу боисдан ҳам ҳеч ким ўз ўқитувчи-мураббийларини эсидан чиқаролмайди.

Муаллим-мураббийлар кишилар табиатидаги ҳайвоний сифатларга қарши курашади. Улар катта-ю кичикни инсонликка даъват қилади. Шу боисдан инсоният азал-азалдан муаллим-мураббийларга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж ҳеч қачон сўнмайди. Чунки муаллим-мураббийлар жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини белгилаб беради.

Абдулла УЛУҒОВ.

ҲАЛОЛЛИКНИНГ БАҲОСИ БОРМИ?

(Боши 1-бетда)

Жудаям савдолашаверсангиз, майли, ўзининг пулини берақолинг, кечки бозор, сиздан фойда қилмасам қилмабман, деган жавобни оласиз. Бу гаплардан сираям ҳайрон бўлмайсиз. Негаки, кунда бўлмаса, кунора нимадир харид қилиб, шунақа жавоб эшитавериб, ўрганиб қолгансиз. Ҳозир олиб-сотарлар бир иборани ишлатишади — тирикчилик... Агар бирортасининг тарозидан уриб қолаётганини сезиб қолсангиз ҳам, уялмай-нетмай «тирикчилик-да!..» деб ўзини оқлаб қўяди. Бундай пайтда юзи қизаринқирамайдиганлар ҳам топилади.

Пешона тери билан топилган пул ҳалол бўлади дейди халқимиз. «Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди» дейилади ҳадисларда. Кўпинча ёнатрофимиздаги одамлар бошига тез-тез ташвиш тушишидан нолиб қолишади. Сўраб-суриштирсангиз, бировнинг дилини оғритадиган иш қилган бўлиб чиқади. Ўзгаларни норози қилиб топилган пул бировга буюрса, бировга буюрмайди. «Ҳаромдан келган пул ҳаромга кетади» деган мақол ҳам бекорга айтилмаган. Баъзилар қилган ишлари хатолигини кечроқ англаб, пушаймон бўлишади. Аммо пушаймондан энди фойда йўқ.

Қадрият

Яқинда бир танишимникига меҳмонга боргандим. Бозордан сариёғ олган экан, мазаси ғалатироқ экан, деб нолиб қолди. Музлатгичдан олиб, ликопчага бир бўлагини кесиб келди. Чинданам мазаси ғалати, сираям сариёққа ўхшамайди. Ачқимтир, зардоб сувнинг мазаси келадими-ей.

— Ўзи, қаймоқ оламан, деб бозорга тушгандим. Нима бўлди-ю, ҳалиги кампирга раҳмим келганидан олақолдим. Арзонига учибман, тузиям йўқ шекилли, — танишим хижолат тортгандек ошхонага ўтди. Икковлашиб кичикроқ коптокдек келадиган қўлбола сариёғни туз билан эзғиладик. Бир килограмм сариёғдан бир пиёлагина тоза сариёғ чиқди, қолгани бир коса сариқ сув. Бир-биримизга қараб қолдик.

— Топгани ёмон кунига буюрсин! — деди хонадон соҳибаси норози оҳангда.

— Қўйинг, ундай деманг, — деб тинчлантирган бўлдим уни. — Барибир сиз билан мен бунақа ишни эплолмаймиз. Қани, гапимга ишонмасангиз, шу зардоб сув билан мана бу бир пиёла сариёғдан бозордан олганингиздек қилиб сариёғ тайёрлаб кўринг-чи!

— Ҳа, қўлимиздан келмайди, бунақа ишни қилиш учун одамнинг юзи қаттиқ бўлиши керак. Ўтган сафар маҳаллага олиб келишганда қаймоқ олгандим. Ҳозир шунақа, бозорда ўтмайдиган матоҳини эшигингизнинг тагигача олиб келишади. Бир литр қаймоқнинг ярмидан кўпига сут аралаштирилган экан.

Бир марта ўзим ҳам ширгуруч пиширмоқчи бўлиб, бир литр сув қўшилган сут олганимни эсладим. Ранги кўкимтирлигидан аввалига шубҳаланган бўлсам ҳам, шошиб турганим учун олавергандим. Юқори қаватга кўтарилгач, ҳалиги сутдан бир хўплам ичиб кўрдим, мазаси йўқ. Оқ нарсага хиёнат қилган аёлнинг бу муғомбирлигини ҳеч ақлимга сиғдиролмагандим. Унинг кулимсираб турган юзини, «сут-қатиқ керак бўлса, ҳар доим ўзимдан олаверинг», деган ширингина гапини эслаб, қўлимдаги қўлбола сутни қайтариб беришга иймандим.

Шундай пайтларда нимагадир болалик йилларимни эслайвераман. Болалигимда нимага одамнинг сочларига оқ ораларкин, нимага юзларига ажин тушаркин, деб ўйлайверардим. Йиллар ўтиб бу саволларимга жавоб топиб олаётгандайман. Тирикчилик ташвишларига кўмилган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган одамнинг сочлари тезроқ оқарар экан. Уларга ҳавасим келади доим. Аммо... кўзингизга қараб туриб ёлғон гапирадиганларни кўрганда, бундайлар кимдан таълим олган экан, деб ўйланиб қоласиз. Киссовурликда шайтоннинг сабоғини олганлар кўпайиб қолганидан ташвишга тушасиз. Юқорида ўғирлик ҳақида гапиргандик. Ўғирликнинг ҳам ҳар хил тури бўлар экан. Кимникидир ошкора, кимникидир пинҳона. Тарозидан уриб қолаётганлар, оқ нарсага хиёнат қилиб, сутга сув қўшаётганларнинг иши қайси ўғирликдан кам?! Биз турмушимиздаги баъзи дилни хижил қиладиган воқеалар тўғрисида фикр юритдик, холос. Бундай мисоллар, афсуски, топилади.

Гули ОЛИМОВА.

● *Замондошларимиз*

«АШУРАЛИДАН СЎРАШ КЕРАК»

Ҳаётда ҳар бир соҳанинг ўз профессионаллари бўлади. Халқ орасида бундайлар «Ўз ишининг устаси» деган калом билан таърифланади. Агар сиз бирор масала юзасидан ўша юмушнинг устасига мурожаат қилсангиз, дарҳол энг муносиб баҳони, тезкор жавобни оласиз. Балки аниқ ташхис қўйиш, тўғри ечим топиш учун бошқаларга ойлаб ўйлаш талаб қилинар. Лекин ўз ишининг устаси учун кўп фурсат шарт эмас. Чунки у муайян мавзуга бутун онгли ҳаётини бағишлаган, туну кун ўша соҳа билан яшайди, нафас олади.

Юртимизда санъат журналистикаси ҳақида сўз кетганда таниқли ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраевга нисбатан ўз ишининг устаси деган баҳо жуда-жуда мос келади. Албатта, ҳамкасбимиз бундай даражага осонликча эришмади. Аввало санъат соҳасида мукаммал билимни эгаллади, кейинчалик узоқ йиллар мобайнида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси даргоҳида қаламини қайради. Кўпчилик Ашуралининг улуғ ўзбек санъаткори Ботир Зокиров ҳақидаги «Юрак бўронлари» деган ажойиб асарини мамнуният билан ёдга олади. Лекин, синчиклаб разм солсак, муаллиф бу китобгача қанча бўронларни юрагидан ўтказди, санъатнинг сеҳрли оламида не-не ижодкорлар билан бирга яшади.

Санъатда яратилган ижод намунасига баҳо бериш, уни қалбдан ҳис этиш шу қадар мураккаб, нозик вазифаки, унга ҳамма ҳам журъат қилавермайди. Бунинг учун қўлига қалам олган зиёли ижоднинг машаққатларини ўз вужудида англаши, «пичоқ»ни аввал ўзига уриб кўриши керак. Санъат асари томошабин, тингловчи, мухлис томонидан турлича қабул қилинади. Унинг аниқ фанлардан фарқи шунда. Кимдир қаттиқ таъсирланиб дунёқарашини ўзгартирса, бошқа биров бу ҳолдан пинагини бузмаслиги мумкин. Ашурали эса янги саҳналаштирилган спектаклни кузатадими, хонанда ижросида қўшиқ тинглайдими, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўша «турлича қабул» муқобилларини ич-ичида мушоҳада қилади, қалб меҳваридан ўтказади.

Сезиб турибман, бу сатрларни ўқиган дўстимиз ўзига хос камтарлиқ билан «Қўйсангиз-чи, ошириб юборяпсиз», — дейиши тайин. Лекин бир муқояса келтирсам, сиз ҳам унча оширмаганлигимга иқрор бўласиз. Ашурали «ЎзАС» газетасида ишлаб юрганда Ўзбекистонда танилган кўпгина номдор санъаткорлар матбуот соҳасининг сардорлари, раҳбарларини танишмаса-да, бу инсонни ўзларига яқин тутишарди. Бирор ижодий янгилик рўй берганда ўша ижодкорлар «Ашурали Жўраев қандай фикрда экан?» деб сўраганларига ўзим гувоҳман.

Адашмасам, йигирма йиллардан буён Ашурали Жўраев санъат соҳасида жуда кўплаб танловларда ҳайъат аъзоси, кейинги йилларда муттасил ҳайъат раиси сифатида иштирок этиб келмоқда. Нима бўлибди, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, узоқ йиллар мобайнида холис туриш, санъатнинг устувор манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айтайлик, футбол бўйича жаҳон чемпионатида манаман деган ҳакамлар ҳам дунё кўз олдида ғирромликка йўл қўйдилар-ку. Ашуралининг узоқ муддат мобайнида элнинг кўнглидаги баҳони айтиб келиши дили поклигидан, санъатга садоқатидан далолат.

Ўз ишидан қониқмаслик, муттасил изланиш Ашуралига хос хислат. У 1996 йилдан буён «Муштум» журналига бош муҳаррирлик қилиб келаётган бўлса, мамлакатимизда чоп этилаётган ягона ҳажв нашрининг шаклу шамойилини ўзгартиришга, «Муштум»ни янада халққа яқинлаштиришга эришди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, улуғвор мақсад йўлидаги курашда оёғимизга тушов бўлаётган иллатларни ҳажв тиғи билан бартараф этиш учун тезкор, ҳозиржавоб чиқишларни ҳаётнинг ўзи талаб қилди. Лекин бунинг учун ойнома сифатида «Муштум»нинг маромида жавоб беролмасди. Нима қилиш керак? Ашурали ташаббускорлик кўрсатди: тезда журналнинг ҳафталик иловаси «Афанди» пайдо бўлди. Буни қарангки, табиатан кулгу, ҳазил-мутойибага мойил халқимиз ичида янги нашрга мухлислар, яъни обуначилар бирдан кўпайиб кетди. Бундан илҳомланган ижодкор яна янгилик изидан қувди: «Афанди» газетасини рангли саҳифаларда чоп эттирмоқда.

Ҳамкасбимизнинг устозларга садоқатининг ўзи катта бир асарга мавзу. Ҳали қишлоқдаги ўрта мактабда ўқиб юрганда Неъмат Аминовга ғойибона ўзини шогирд ҳисоблаб, устозга хат ёзганини ҳамма билади. Бугунги кунда ҳам ҳаётда, ҳам ижодда устоз бўлган Неъмат аканинг чироғини ёқиб келаётгани ҳам барчага маълум. Лекин марҳум адиб хонадонидан ҳамиша хабар олиб туришини, меҳрибонлик кўрсатишини, эҳтимол, ҳамма билмаслиги мумкин. Ўзига қолса, ҳамма билиши шарт эмас деб ҳисоблайди.

— Шогирдларингиз ҳам кўпайиб қолгандир? — секин сўрадим.

Бу саволга бир қанча ёш истеъдодлар рўйхатини қайд қилиш билан жавоб оламан деб ўйлагандим. Бошқача бўлди.

— Фалончи менга шогирд десам, ўзимни устоз деб ҳисоблашим керак. Ундай такаббурликдан Худонинг ўзи асрасин.

Аслида санъат соҳасида қалам тебратиб юрган журналистлар орасида жуда кўпчилиги Ашуралидан йўналиш олади, ижодий ўрганади. Ҳатто ўзини шогирд деб санаб юрганларнинг баъзиларини Ашурали танимаслиги ҳам мумкин. Ижоднинг илоҳий қудрати деб шунга айтсалар керак-да.

Яқинда бир масала юзасидан баҳснинг устидан чиқиб қолдим. Биров бир фикрни айтса, кимдир унга қўшилмас, ягона хулосага келиш қийин кечарди. Шунда тортишувчилардан бири сўз қотди:

— Тўхтанглар. Баҳсдан фойда йўқ. Ашуралидан сўраш керак. У киши аниқ билади.

Шу заҳоти «Муштум» таҳририятига телефон қилишди. Сим орқали янграган жавобдан ҳамма рози бўлди.

Ш.ЖАББОРОВ.

● *Такрор мутолаа*

Саид АҲМАД

МУҲАББАТ

Кечки овқатга ёқилган ўтнинг нимранг тутунлари ишкомлар орасига ёпирилмоқда. Кўлмак сувлар устида чивинлар галаси уймалашмоқда. Азамат теракларга чирмашган аймоқи узумлар, пахса деворлар орқасида ёқутдек ялтираган олчалар, пўрсилдоқ оқ ўриклар...

Даладан қайтган моллар шовқин-сурон билан катта сертупроқ кўчани чангитиб келмоқда. Яйдоқ отни етаклаб олган баланд бўйли, хушмўйлов йигит анҳор томонга ўтиб кетди.

От олдинги оёқларини сувга ботириб, анҳор четида ҳалқоб бўлиб қолган сувни шимирар, оғзини сувдан узмай яғринини талаётган чивинларни думи билан тўзитиб юборар, йигит эса тўқайдан кўтарилган бир гала ўрдакнинг ҳавода пириллаб учишини кузатарди.

«Қани энди, қўштиғ милтиғинг бўлса-ю, сочма ўқ билан бир отишда ҳаммасини уриб олсанг!», — деб ўйлар эди йигит.

Яқин ўртадан милтиқ овози эшитилди. От бошини кўтариб, яна сувга интилди. Хаёл суриб турган йигитнинг қўлидаги тизгин силкинди, ўзини ўнглай олмаган йигит гандираклаб тиззасигача лойга ботди. Бехосдан кўтарилган кулги уни шошириб қўйди. Йигит ўгирилиб қараган эди, яккачўп устида қошига энлик қилиб ўсма қўйиб олган, кўкрак бурма кўйлакли қизни кўрди. Қиз бир қучоқ тут барги кўтариб олганича қотиб-қотиб куларди. Бу кулгидан ажриқ остидаги бақа чўчиб ўзини сувга отди.

— Ҳа, Тожибой ака, осмондаги ўрдакнинг сувдаги аксини ушлайман, деб лой кечиб юрибсизми?

Йигит оёғига илашган лойни ажриққа суртиб, четга чиқди.

— Акаси, Лутфихон, сиз буюрсангиз нетолька ўрдак, осмонга қармоқ ташлаб, балиқ тутиб бериш ҳам қўлимиздан келади.

Лутфихон Тожибойнинг бу гапига яна қаттиқроқ кулди. Кулги ёшларини артиб, унга ғалати қараш қилди:

— Дурust экансиз-ку.

— Нима, боқса одам бўласан деганингизми бу?

Лутфихон индамай пилдираганча сувнинг нариги бетига ўтиб, орқасига қаради.

— Отингизни чу денг, яхши йигит, яғринини пашша талаб кетди.

Лутфихон шу гапни айтдию, югуриб ўз йўлига кетаверди. Унинг орқасидан қараб қолган йигит икки қўлини оғзига карнай қилиб қичқирди:

— Кечаги айтганим нима бўлди? Жавоб бериб кетинг!

Йигитнинг овози адирлар этагида акс-садо берди. Қиз тўхтаб қўлини силкитди.

— Ачамди бошларига болиш бўлмоқчиман!

Тожибой тилини тишлаб олган боладек хушёр тортиб кетди. Битта-яримта сезгани йўқми, деган ўй билан атрофга аланглади. Бедапояда матраб судраб юрган бухгалтер Исматилла «боплаб кетди-ку» дегандек, Тожибойга қараб илжайиб турар эди. Хижолат бўлган Тожибой ўзини гўлликка солди.

— Ҳа, ов қалай, илиндими?

— Ёмон эмас, ҳар нечук битта-яримта илиниб турибди, сеники бўлмади чоғи, матрабга чап бериб қочди-ку.

Йигит қизарди. Тераклар учида юзини кул босаётган чўғдек аста хиралашаётган кечки қуёш шуъласига қаради. Девпечак орасидан «парт» этиб бедана кўтарилди, чўчиб тушган йигит ёқасини очиб туфлади.

* * *

Лутфихон эрталаб жуда вақтли уйғонди, деразани очиб, уйни шамоллатди. Янгигина солинган барглар устида бир текис пишиллаб ўрмалаётган қуртлар деразалардан кирган ёруғдан қочиб бошини барг остига олди. Лутфихон бир парча сомонли лой билан тахмон четидаги сичқон уясини яхшилаб сувади. Ҳар эҳтимолга қарши, ёғоч қопқонга бир бурда нон ҳам қистириб қўйди. У энди деразани бекитмоқчи бўлиб турган эди, эшик тарақлади.

Арава миниб келган Тожибой от устида тик турганича девордан энгашиб тушган гилос шохини қайтариб турганида Лутфихон чиқиб қолди. Тожибой қўшалоқ гилосни қулоғига қистириб отдан тушди.

— Дасталарни қаерга тушираи, саккиз боғ етадими?

— Йўлакка тушира қолинг. Сизга нима бўлди? Чўлга кетмадингизми? Қоравойнинг ўзи арава минмай, нега сиз миндингиз?

Тожибой кулиб ерга қаради:

— Гапнинг очиғини айтайми? Қоравойга ялиниб беш минутга аравани сўраб олдим, азбаройи сизни кўриш учун. Дастани шу ерга тушираману нари ёққа бориб аравани яна Қоравойга бераман.

Лутфихон жим қолди. Кўзини ерга қадаб, олдига тушиб турган сочини эҳтиётлик билан елкасидан ошириб орқасига ташлади. Лутфихоннинг ҳозирги ҳолати худди мазали бир нарса еган ёш боланинг қиёфасини эслатар эди. Тожибой эса қимирламай жавоб кутар эди. Лутфихон бирдан бош кўтариб, ҳозиргина биров билан уришиб чиққандек, қошларини чимирди.

— Иккинчи бунақа қилманг. Индамаса ҳаддингиздан ошиб кетаётибсиз-а?

Бу гап Тожибойга заррача ҳам таъсир қилмади, чунки Лутфихон Тожибойни севади. Лекин негадир у бу тўғрида Тожибойга бирон марта очиқ-ёруғ қилиб айтмайди. Лутфихон уни севиб қолганини ўз оғзи билан айтмаган бўлса ҳам, партбилет учун олдирган суратининг биттасини Лутфихон олганлигини биладди. Ундан кейин ўша суратни Лутфихон орден книжкасига солиб қўйганини ҳам билади. Лекин Тожибой бу гапни Лутфихоннинг ўз оғзидан эшитолмай доғда.

Тожибой бир қучоқ дастани айвон четига қўя туриб, ўзини яхши кўрсатиш учун: «Мана, ҳисобдан ҳам адашиб кетдим. Чамамда, ўн боғ бўлиб кетди шекилли», — деб қўйди.

Очиқ деразадан учиб чиққан чумчуқ тумшуғида тишлаб олган ипак қуртни лиқ этиб ютиб, бўғот лабида туриб, тумшуғини патига артди.

Ҳикоя

— Ҳа, хира бўлмай ер ютсин сен очопатни, — деди Лутфихон ариқ лабидан кесак кўчира туриб, — қўлимга тушсанг, этингни нақ бир бурдадан қиламан. Иккинчи шу уйга қадам қўйгин, нима қилар эканман.

Отга минай деб турган Тожибой Лутфихоннинг овозини эшитиб, қайтиб йўлакка кирди.

— Менга айтяпсизми?

— Қўйинг-э, — деди Лутфихон деразани ёпа туриб. — Ўзи жоним ҳалқумимга келиб турибди.

Тожибой гапга тушунолмай, чаккасини қашлаб, отга қамчи босди. Жийдазор орқасидаги катта йўлга бурила туриб орқасига қараганда, Лутфихон эшикдан бош чиқариб, унга қараб турар эди.

Тожибой шу кетганча бир ҳафтадан кейин чўлдан қайтиб келди. Агар раис опа зарур иш билан чақиртирмаганида, у то йиғим-терим тамом бўлмагунча чўлдан қайтиб келмоқчи эмас эди. У илгарилари бўлар-бўлмасни баҳона қилиб, тез-тез қишлоққа келиб турар, албатта Лутфихонга учрашиб, тўлиб-тошиб юрагидаги дардини айтар ва ҳар гал чўлга таъби хира бўлиб қайтар эди. Энди, у бу келишда Лутфихонни асло кўрмоқчи эмас, уч кундан бери «тезроқ ишим бита қолса-ю, чўлга қайтиб кета қолсам», деб шошади. Шу уч кунда у Лутфихон билан икки марта йўл устида учрашиб қолди. Атайин ўзини кўрмаганга солиб, индамай ўтиб кетаверди.

Тожибой чўлга мол олиб кетаётган сельпонинг машинасида жўнамоқчи бўлиб турганида, Исматилла: «Раис опага учрашиб кетармишсан, пунктда сени кутиб турибдилар», — деди. Тожибой пунктга қараб кетди.

— Тожибой шу бугуноқ чўлга етиб бор. Агроном сенинг ғўзаларингга шира оралаб қопти, деб айтди. Ундан кейин сенга бир маслаҳатим бор эди. Ўроққа одам чиқариш керак, нима қиламиз?

Тожибой ўйлаб қолди.

— Менингча, сабзавотнинг ортиқча кўп иши қолгани йўқ. Ўшалардан озроқ одам олсак. Ундан кейин, иккинчи қайта қурт тутмайдиганларни пилладан олиб, ўроққа юборса бўлади. Агар хўп десангиз, мен бугуноқ чўлга бориб ишларни бир кўздан кечирсаму Ғанижонни ўрнимга қўйиб, ўзингиз биласиз-ку, звеномда энг тажрибали пахтакор шу, кейин ўзим ўроққа бош бўлиб, йигитларни қирга олиб чиқиб кетсам. Агар дурустроқ от топиб бersангиз ҳам чўлга-ю ҳам қирга галма-гал қатнаб турсам.

— Барака топ, уч-тўрт кун қийинчиликни ўзингга оласан. Кошки эди сендақа сергайрат йигитлар колхозимизда кўпроқ бўлса.

Тожибой раис опа билан хайрлашиб, пункт ҳовлисига чиққанида Лутфихоннинг тарозибон олдида пилла тортаётганини кўрди. Тожибой индамай ўтиб кетмоқчи эди, Лутфихон уни кўриб, «сизга ишим бор», деб қолди. Тожибой уни дарвоза олдида кутиб турди. Лутфихон ишини битказиб, магазинга кириб кетди.

Тожибой бундан ўн кун аввал Лутфихоннинг ҳовлисига даста олиб борганда эшитган гаплари ёдига тушди. Хаёли бузилиб, жаҳл билан тез-тез юриб кўчага чиқиб кетди. Унинг иши юришмай, сельпонинг машинаси ҳам чўлга кетиб қопти.

Вақт кеч бўлиб, даладан колхозчилар қайта бошлади, аллақайда онасини соғинган бузоқ чўзиб-чўзиб маърайди. Тожибой қўлини орқасига қилиб, бедапоянинг марзасидан юриб, катта кўчага чиқди. Анҳор бўйида теракка суяниб, ботиб бораётган қуёшнинг қизғиш шуъалаларига тикилди. Унинг юраги ўзи ҳам маъносига бориб етмаган ажиб бир ҳис билан ёнарди. Шубҳасиз, бу Лутфихоннинг муҳаббати... Тожибой хўрсинди. Кечки шабадада бир текис шитирлаб турган жўхори поялари устида чумчуқлар чирқиллайди. Лутфихон мана шу жўхори поялари қайириб, ариқдан ҳатлаб ўтди.

Тожибой ўзини бепарво кўрсатишга уринди.

— Бирпас кутмай кетиб қопсиз-да?

Тожибой индамади. Чумоли уясига этигининг учини босиб, ўз уясига киролмай тўзғиб кетган чумолилардан кўз олмади.

— Нима бўлди, гапирсангиз-чи?

— Нимани ҳам гапирай. Ҳамма гапни гапириб бўлганман, сиз ҳам ҳамма гапингизни гапириб бўлгансиз.

— Мен нима депман?!

— Майли, биз хира, биз очопат. Сиздан эшитган гапимиз шу бўпти.

Лутфихон хандон ташлаб кулиб юборди,

— Ўзим ҳам ўйловдим-а,— деди у қўлидаги кашта тикилган рўмолчаси билан ўзини елпиб. — Бу гапни сизга айтмаган эдим. Ипак қуртини олиб қочган чумчуқни қарғаган эдим. Жаҳлингиз бурнингизнинг учида турадди-я...

Тожибой индамади. Лекин гапнинг асли маъносига тушунди. Ўринсиз аразлаб юргани ўзига маълум бўлиб қолди. Лекин сир бой бермади. Отдан тушса ҳам, эгардан тушмай, ўзини бир хил тутди.

— Шунақа, кап-катта одам чумчуқдан фарқ қилмайдиган бўлиб қолибмиз-да.

Улар бир-бирларига қарамай анча вақтача жим туришди. Лутфихон ҳар замон Тожибойга қараб қўяр, нимадир демоқчи бўларди. Лекин уларнинг кўзи бир-бирига дуч келиб қолганда, ҳар иккови ҳам қизариб, яна индамай қолишарди.

— Гапирсангиз-чи, — деди тоқати тоқ бўлган Лутфихон Тожибойни туртиб.

— Нима дейман?

— Илгари мени ҳар кўрганингизда айтадиган гапингиз бор эди-ку. Ўша гапни айтинг!

Тожибой қаддини ростлаб, белбоғини тузатди. Гўё оғир бир юкни кўтаришга чоғланган-дек билагини ҳам шимарди.

— Айтайми, айтайми?..

Хуллас, Тожибой илгари Лутфихонни ҳар кўрганда айтадиган «Лутфихон, бу дунёда фақат сизни деб яшаб юрибман», деган гапларини бошқатдан икки марта қайтариб чиқди. У то гапириб бўлгунча терлаб, синькага солинган яктаги жиққа ҳўл бўлиб, олатароққа айланиб кетди.

— Қани, айтинг-чи, энди нима дейсиз, ҳали ҳам ачангизнинг бошларига болиш бўласизми?

Лутфихон Тожибойнинг илтимосига «хўп, розиман, кўндим», деган гапларни ифода қиладиган бironта ҳаракат тополмагач, секингина бош тебратиб ерга ўтирди, тескари қараб туриб, нимчасининг киссасидан бир қийтим йўл-йўл шоҳи олди ва Тожибойга узатди:

— Мана шунақаси сизга ярашадими?..

...Ҳар гал қишлоққа тушганида бўшашиб, табиати бир тарз бўлиб қайтадиган Тожибойнинг бу сафар чўл ўртасидаги ёлғизоёқ йўлда овозининг борича қўшиқ айтиб кетаётганини кўрган одамлар бор.

1948 йил.

● *Кураш — миллат ғурури*

Ҳомидбой аканинг Ҳазиллари

Олтинсой қишлоғида Ҳомидбой деган полвон бор. Чорпахилдан келган, ўрта бўйли, юзидаги чўтир излари ажинларининг панасига яширинган, даврани, гурунг-гаштакни, кўчада суҳбатлашиб ўтирган тўртта-бештани изидан эргаштириб, бирон нотавон одамнинг ҳовлисида ҳашар уюштиришни хуш кўрадиган одам.

Етмиш беш ёшида ҳам Ҳомидбой полвон икки оёғини осмонга қилиб, икки қўли билан юрганини, эгнидаги ўнгирлари кенг-мўл чопонини ечиб қўймасдан қўллари билан ҳаракат қилганини кўрганмиз.

Демак, ёшлигидаям у киши чакки бўлмаган.

Қишлоқдаги полвонлар иззат-талаб бўлишмайди. Катта-кичик демай, йиқилиб қолишдан қўрқмасдан дуч келган полвон билан курашиб, дуч келган касбни қилиб кетишаверади.

Ҳомидбой полвон бир қанча вақт ўзининг қишлоғида магазинчи бўлган. Ҳар сўзни у полвонча ҳаво билан гапиради. «Магазинчи» эмас, «дўкон мудири» бўлганман, дейди у димоғини қириб қўйиб. — Оппоқ халат кийиб ишлаганман. Халатимга тирноқча доғ қўндирмай ишлаганман».

Ўша йиллари бир хира тафтишчи Ҳомидбой полвоннинг дўконига бир ойча айланишди. «Ўн беш сўм камомадинг бор. Прокуратурага бераман», — деб мингир-сингир қилди. Ҳомидбой полвон: «Э, бизам Яратганнинг бир бандаси. Тафтишчининг ризқи элнинг устида. Шугинани олинг-да, мени хотиржам қўйинг», — деб унга қуйруғи ерга теккудек битта шербоз тўқли ҳадя қилмоқчи бўлди. Тафтишчи ер чизди. Шу гапга кўнмасанг, бор, билганингни қил, деди. Тафтишчи яна ер чизди. Ана шундан сўнг полвоннинг шумлиги тутди. Теварагидан айланиб-ўргилиб, тафтишчини уйига олиб борди. Баҳор пайти. Довуччалар энди ғўра бўлган палла. Полвон дастурхонга бир лаган палов олиб келиб қўйди. Зиғирнинг мойидан бўлган, довуччасиям бор. Довуччаси — витамин, шўртаккина, деб меҳмонга ошни мақтади.

— Мойга пишган ғўра қорнини оғритмасмикин? — деб сўради меҳмон.

— Оғритмайди. Мен, мана, еяпман-ку.

Меҳмон бу гапга ишонди. Довчали паловдан тўйибгина еб олди. Яна, полвондан менинг нимам кам, деган хаёл билан ошнинг устидан босиб-босиб яхтаккина булоқ сувидан симирди. Ва, тафтишчининг дастурхон устидан пешонаси тиришиброқ турганини кўриб, Ҳомидбой полвон ичида кулди.

Қорни оғриб, шифохонага тушиб қолган тафтишчи шу-шу, яна полвоннинг дўконига келишга юраги бетламади.

Босар-тусарини билмаган яна бир раҳбар магазинчиларниям чақириб катта мажлис қилди.

— Дўконларингни бориб кўраман. Уйларингга ҳам бораман. Ишларинг агар кўнглимдагидай чиқмаса...

* * *

Ҳамқишлоқлари билан келишиб, машинага тўлдириб қўй босдилар. Пойчалари йўғон, беллари узун, думбалари булутдай ҳисори қўйлар. Деновнинг мол бозорига бордилар.

Ғира-шира тонгда қўйларни бозорнинг бир бурчагига энди ҳайдаб кирувдиларки, башанг кийинган басавлатгина бир йигит Ҳомидбой полвоннинг шерикларидан бирига тирғалди.

— Ҳой, бобой, бу думи калта улоқчаларни қанчадан сотасан. Ҳаммасини оламиз. Кўтарасига қанча берайлик, — деди.

— Мен... бобой эмасман...

— Ў, ўзлари чўпону кўнгиллари хитойнинг пиёласидай, — деб

— Қўйларни қандай нарх билан олаяпсан, — деди Ҳомидбой полвон.

— Сизга бунинг фарқи йўқ, — деб башанг йигит полвоннинг кафтидан қўлини олмоқчи бўлди. Полвон қўйвормади.

— Сен... зўрмисан, — деди полвон.

— Буниям сизга фарқи йўқ. Ёшингизни ҳурмат қилганга ҳаддингиздан ошманг.

— Йўқ. Айтгин-да, сен зўрмисан, — деб Ҳомидбой полвон йигитнинг қўлини қисди. Йигит қўлини тортиб олмоқчи бўлаверди. Полвон қисаверди. Аввалига йигитнинг лаблари учиб бошладди. Сўнг тиззасига қалтироқ кирди. Унинг кафтлари оғир ва ёниб турган темирнинг орасига қисилиб қолгандай эди. Титроқдан сўнг типирчилаш бошланди. Тиззалари, беллари букилиб полвоннинг қаршисида ўтириб қолди.

— А-ах, — деб наъра тортиб юборди. Полвон бўлса, хотиржам. Юзида кулгу.

— Қўйларни қандай нарх билан олаяпсан, — деб мулойимгина овоз билан рақибини сўроққа тутиб ўтирибди. Лекин рақиби жавоб берса, жавоб беролса қани.

Ана шундай. Элнинг ориятидек оғир ва баҳоси йўқ юкни зиммасига олиб келган одам бу Ҳомидбой полвон деганимиз.

Шу пайт Ҳомидбой полвон мажлисга луқма солди.

— Уйимизга борсангиз, битта довчали паловга тўйғизамизки, — деди. Тафтишчи воқеасидан бохабар одамлар гур этиб кулиб юбордилар. Бу кулги маърузачига оғир ботди. Қизариб кетди. Давранинг устига тилини қилич қилиб сермади. Одамларнинг ҳамиятига тегадиган бир гап айтди.

Бу гап тугар-тугамас, Ҳомидбой полвон ҳалиги тилли «полвон»нинг ёқасидан илиб олди. Полвон унга қандай етиб келди, қачон қўл узатди, уни — вазни ўзидан бир ярим баравар оғир келадиган одамни қанақа қилиб осмонга улоқтирди — бу сиру синоатни ҳеч ким англамай, сезмай қолди.

Одамлар полвоннинг елкасидан босдилар, койиб, танбеҳ қилган бўлдилар (шунчаки, меҳмоннинг кўнгли учун). Жойига ўтқазиб қўйдилар.

Бирмунча вақт маърузачи ўзига келолмай ётди. Дўхтир чақиртирдилар. Бир ҳазилкашроқ одам, ишинг энди милицияга тушади, деб полвоннинг қулоғига шипшиди.

Ўша кеча умрида биринчи марта полвоннинг лабларига учуқ тошди. Қулоғига шипшитилган гапдан эмас, ҳалиги хўппасемиз одамнинг бирон жойи қаттиқроқ озор кўрмадимикин, деб қўркди.

башанг йигит шерикларига имо қилди. Шериклари қўйларни ушлаб ўзларининг машиналарига юклашга чоғланишди. Қўйнинг эгаси ғинг десаки...

Ҳомидбой полвон бўлса қора сатиндан тикилган, ўнгирлари кенг-мўл чопонига ўраниб, четроқда, бозорнинг деворига суянибгина ўтириб эди. Ҳамқишлоғининг музтар термилишларини ва башанг йигитнинг ғаддорлигини кўриб миясига қон тепгандай бўлди. Ўша ўтирган ўрнига маҳкамроқ жойлашиб олиб, зўравонни мулойим имлаб қўлини узатди.

Олимжон УСАНОВ.

«МУСТАҚИЛЛИК — ЁШЛАР НИГОҲИДА»
мавзуидаги ижодий ишлар кўрик-танловига

БЕЛИМГА БОЙЛАГАН БЕЛБОҒИМ — ВАТАН

Тоза туйғуларим ўткинчи эмас,
Келажакка айтар сўзларим ҳалол.
Умримни йўлингга сочмасам бўлмас,
Сенга қуллик қилиш келмайди малол.

Тўксам, томчиларим адо бўлмайди,
Буюк ғамларимга берганим йўқ тан.
Тангримдан бошқаси еча олмайди,
Белимга бойлаган белбоғим — Ватан.

Ўйларинг қалбимга бермайди ором,
Сенсиз дунёларга ёту ўгайман.
Сенсиз ҳаёт қайда, ҳаволар ҳаром,
Тўкилма, бўлмаса, мен ҳам тугайман.

Камолингни сўраб дуолар қилдим,
Малаклар Худога элтди оҳимни.
Кеча ухлар эдим, яна тирилдим,
Ўзингга бағишлаб қўйдим Руҳимни.

Азалдан тупроққа мойиллигим бор,
Бир парча шу замин бахт учун етар.
Қилган орзулари нурдан беғубор,
Раббим, шу Ватанни тупроқдай кўтар!..

ОЗОД ЮРТИМ

Юртим, бугун ўзгачадурсан,
Мадҳинг айтсам, сиғмас дилимга.
Баҳор, ёз, куз, қишинг ўзгача,
Офтоб нури кирар
кўнглимга.

Чаман бўлиб очилган гуллар
Иқболингдан дарак беради,
Гўзал юртлар ичра ягонам,
Сен ҳақда куйлагим
келади.

Озод юртим, серқуёш юртим,
Тошларинг ҳам гуллаб-яшнасин.
Йилнинг ҳамма фасларида
Боғларингда кўклам
яшасин!

Садоқат ЁДГОРОВА.

ВАТАН

Мардларнинг билагида,
Фарзандлар юрагида,
Оналар тилагида,
Зорида яшар Ватан!

Муҳаббат — меҳр нури,
Тоза диллар шуури,
Йигитларнинг ғурури,
Орида яшар Ватан!

Дала-дашт тупроғида,
Саҳролар сўқмоғида,
Фалакнинг чақмоғида,
Қорида яшар Ватан!

Шоирларнинг дилида,
Ҳофизларнинг тилида,
Улар қўлида тутган
Торида яшар Ватан!

Дилбар НАБИЕВА.

ЮР, ДЎСТИМ, ҚАЙТАМИЗ ЎЗБЕКИСТОНГА
Адашганлар тилидан

Элдан айрилганнинг бахти қулмайди,
Афсуски, қолибмиз буткул ғафлатда.
Аммо эзгу ишнинг кечи бўлмайди,
Бизни кечиради Худо, албатта.

Кўрганми бегуноҳ зотни ер юзи,
Ёшлик — хатоларнинг ватани, ўзи.
Энди очиқ бўлгай ғурурнинг кўзи,
Бизни кечиради Худо, албатта.

Огоҳ этажакмиз ҳамроҳимизни,
Ювамиз бирма-бир гуноҳимизни.
Эшитиб, барибир, қалб оҳимизни,
Бизни кечиради Худо, албатта.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Хилоф иш қилибмиз, ахир, виждонга,
Жабр айлаб нетамиз энди ёш жонга.
Юр, дўстим, қайтамиз Ўзбекистонга,
Бизни кечиради Ватан, албатта.

Мен каби юраги вайрон дўстларим,
Ўз ишидан ўзи гирён дўстларим,
Юртга қайтсак бўлиб бир жон, дўстларим,
Бизни кечиради Ватан, албатта,
Бизни кечиради Худо, албатта!

Она дуоси

Қишнинг совуқ кунида она ўғлидан сандал ясаб беришини сўрабди. Бу истакни бажонидил қабул этган ўғил астойдил ишга киришибди. Пешиндан сўнг ясаган сандалини олиб онасининг ҳузурига ошиқибди.

Она кўзи нурининг қўлидан иш келиб қолганини кўриб, ичида роса қувонибди. Бироқ сездирмабди. Танчани уёқ-бу ёғини кўрибди-да, бир оз паст бўлиб қолганлигини айтибди. Ўғил кечирим сўрабди. Худди онаси айтганидек катталикда сандал ясаб, яна қошига келибди.

Она бу гал сандалининг жиндай катта ва қўпол бўлиб қолганини айтибди. Ўғил дарҳол ортига қайтиб, учинчи сандал устида иш бошлабди. Шундай қилиб, ўғил ҳар сафар иштиёқ ва меҳр билан олдингисидан кўра яхшироқ танча ясаб келтирар, она эса синчковлик ва зукколик билан ундан бир камчилик топаверар экан. Ниҳоят, ўғил ўн тўртинчи танчани ясаб келтирибди. Она қаршисида қўллари кўксида таъзим билан амр кутиб турган дилбандининг нурли чеҳрасига боқиб, кўзларига ёш олибди. Аслида ўғил ясаган сандалларнинг биринчисиёқ ёққанини, унинг сабру қаноати, чидам ва бардошини синаш учун неча бор қайтарганини, ишидан атайин камчилик топганини айтиб, қўлларини очиб, ўғлининг ҳаққига яхши дуолар қилибди.

Одамнинг заифлиги нимада?

Ғазабга берилиш, бир пасда ловуллаб кетиш кишининг заифлигини билдиради. Бундай кишилар гарчи соғлом ва бақувват бўлсалар-да, заиф ҳисобланадилар.

«Кучли деб ҳаммани енгган кишига айтилмайди. Ғазабланган пайтда ўзини қўлга ололган одам кучлидир» (Ҳадисдан).

Ғазаб кишига жинсий, моддий, ҳулқий, маънавий ва руҳий зарар етказади. Ғазабдан ўзини йўқотиб қўйган кимсанинг оғзидан куфр сўзлар ҳам чиқиб кетиши мумкин. Ғазаб қалбларда нафрат уйғотади, одамларга нисбатан ёмонлик соғинишга ундайди, ғазабга тўлган қалб одамларга зулм қилади. Инсон ғазабли ҳолатда қилган ишларига ҳам жавоб беради, яъни дарғазаблиги уни оқловчи сабаб бўла олмайди.

Тўпловчи: Донохон ҚАМАРИТДИНОВА, ЎзДЖТУ талабаси

"Йўқ" дейишни ҳам ўргатинг

"Йўқ" дейиш доимо ноқулай. Маълумки, бошлиқнинг сўзини икки қилиб бўлмайди. Дўстлар, яқинларга-ку, умуман "йўқ" дейишнинг иложи йўқ. Улар нотўғри тушунишлари ёки хафа бўлишлари мумкин. Тўғридан-тўғри рад этиш муаммо туғдириши табиий. Ёрдамга муҳтож дўстнинг узоқ ялинишидан сўнг "йўқ" дейишга куч ҳам, кайфият ҳам қолмайди. Бу ёғи яна бош оғриғи. Гап шундаки, даставвал, кўнгилчанликнинг илдизини топиш керак. Бу "касаллик" чин кўнгилдан "хўп" дейишданми ёки азбаройи "йўқ" дейишнинг иложи йўқлигиданми? Агар чин кўнгилдан "хўп" демас экансиз, яхшиси рад этган маъқул. Балки бу хислат (ёки иллат) қондан ўтгандир. Балки бу тарбияга боғлиқдир?

Кўпроқ болалигида катталар томонидан ўта қаттиққўллик билан тарбия қилинганларда, доимий назоратда бўлганларда бўшкўнгиллик шаклланади. Бундай одамлар атрофдагиларнинг ўзи ҳақида салбий хулоса чиқаришларидан қўрқишади. "Одамлар нима дейди?", "Бу яхши эмас" каби ўйлар ичларини кемириб юради. Табиийки, бу уларни чарчатади. Ўйлаб кўрайлик, бўшкўнгиллик доим ҳам хислатмикан?..

Таъкидланганидек, хоксор одамлар ўзларига муаммо туғдириб юрадилар. Худбинлар улардан ўз мақсадлари йўлида устомонлик билан фойдаланишади. Бир аёл ўз табиатидаги мулойимликдан шикоят қилади. Атрофидагилар уни суяётгандек кўриниб, аслида ўзидан фойдаланаётганини сезиб қолган. Гап шундаки, унга телефон қилишиб, соатлаб ўз муаммоларини сўзлашар, унинг вақти борми-йўқми ҳисоблашишмас экан. Аёл уларни эшитар, муаммоларини бартараф этишга ёрдам берар, маслаҳатларини аямас, ҳатто унга ҳеч алоқаси йўқ ишларга ҳам ёрдамлашаркан. Шундай вазиятлардан сўнг унда варажага ўхшаш ҳол юз бераркан. Маълумки, унинг руҳий қуввати "сўриб олинган". Қизиқ, унинг жонига теккан қўнғироқларга барҳам беришига нима ҳалақит беради? Бир мартагина "вақтим йўқ" деса, ундан хафа бўлишадими? Аслида, ўзи маслаҳат сўраган дўстларидан юқоридаги жавобни олган. Бундай ҳодисалар тасодиф эмас. Ҳар биримизнинг атрофимизда шундайлар бор. Балки улар ўзимиздирмиз?.. Суҳбатдошимизга чин дилдан қулоқ соляпмизми ёки шунчаки одоб юзасиданми? Агар суҳбатдошингизнинг узундан-узоқ дийдиёси ёқмаса, вақтида рад этинг.

Рад этишни билмайдиганлар атрофидагиларга озор бериб қўйишдан қўрқиш билан бирга, уларнинг назаридан қолмаслик учун ҳам ҳаракат қилишади. Бундай ҳол эртами-кечми боши берк кўчага бошлаб боради. Атрофдагилар учун яшаш яхши. Бироқ барибир кескин бўла билиш керак. Ҳаётда рад этишнинг ҳеч қандай иложи йўқ вазиятлар жуда кўп. Баъзан шундай бўладики, айнан кўнгли бўш одамлар рад этилади. "Териси қалин" деб юритиладиган тоифадаги одамлар "йўқ" ҳам "ҳа" ҳам дейишни билмайди. Худди ҳеч қачон ҳеч кимга иши тушмайдигандек.

Рад этишни ўрганувчини аввалгидек тутинг. Қадрингизни тиклаш учун бироз қувроқ бўлишга тўғри келади. Бир кун ундай, бир кун бундай давом этасиз. Икки ҳафтадан сўнг ўзингизда ишонч ҳосил бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам устингиздан кулишлари ёки елкангизга чиқиб олишларига йўл қўйманг.

Рад этишни билмайдиган одамлар, юқоридаги маслаҳатлар туфайли "билмадим", "иложи бормикан", "майли-ю" сингари сўзларни кўп ишлатадиган бўлиб қолишади. Бу ҳам вазиятдан чиқишнинг бир йўли. Бироқ баҳона рад этишдан кўра ёмонроқ таъсир этади. Ноаниқ жавоб атрофдагиларда ишончсизлик уйғотади. Агар гап мутлақо бегона одамга ноаниқ жавоб бериш ҳақида бўлса, бу ярим фожиа. Бироқ номаълум жавоб бериш яқинларни бездиради. Муносабатлар янада чигаллашади. Сизнинг силлиққина "Кечирасану қўлимдан келмайди", "Бу мен учун жуда қийин", сингари жавобларингиз ёлғон туюлиши мумкин.

Биринчидан, суҳбатдошнинг қандай ўйлаётгани аниқ эмас. Иккинчидан, биз бегона фикрлар учун жавоб бермаймиз. Муҳими, кескин йўқ дейиш билан беҳуда вақт сарфлаш, ортиқча асаббузарликлардан қутулиш мумкин. Мустақил ва ишончли одамга айланиш осонлашади. Одамлар берадиган жавобларингизга қараб, сиз билан ҳисоблашар экан, қайси йўл маъқул бўлса, танлайверинг: "ҳа" ёки "йўқ".

ЗУМРАД тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

ИСРОИЛ-ЛИВАН МОЖАРОСИДАГИ ҚОНЛИ САҲИФА

Исроил армияси ҳарбий ҳаво кучларининг Ливан жанубидаги Кана қишлоғига уюштирган ҳужуми натижасида 60 га яқин тинч аҳоли вакили нобуд бўлди, улардан 37 нафари болалардир.



Исроил-Ливан можаросининг энг қонли саҳифасига айланиб улгурган Кана ҳужумига муносабат билдириб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Ливан жанубидаги зўравонлик ҳаракатларини ва ўқ узишларни узоқ вақтга тўхтатишга чақирди.

Бу ҳужум натижасида Канадаги бир неча кўп қаватли бинолар, жумладан, тахминан юз киши яшайдиган уч қаватлик иншоот йўқ қилинган.

Исроил армияси вакилларининг маълум қилишича, уюштириладиган ҳаво ҳужуми ҳақида олдиндан хабар тарқатилган ва фуқаролар ўз уйларини тарк этиши лозимлиги хусусида огоҳлантирилган. Кана ҳужумига бу ҳудуддан Исроил томонига ракета снарядлари учирилганлиги сабаб сифатида кўрсатилган.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши тарафларни Кана ҳудудига зудлик билан ва чекланмаган миқдорда гуманитар ёрдамни амалга ошириш учун чора-тадбирлар кўришга ва у ердаги БМТ объектлари ва ходимларининг хавфсизлигини таъминлашга чақирди.

Кана ҳужуми қатор ислом давлатларида норозилик намойишларининг аланга олишига сабаб бўлди. Миср Халқ кенгаши депутатлари Араб давлатлари Лигасини Исроил агрессиясидан ҳимоя қилиш учун Ливанга қўшма араб қуролли кучларини юборишга ундади.

Якшанба куни Индонезияда минглаб мусулмонлар шаҳар кўчаларига чиқиб, Исроилнинг ҳаво ҳужумларига нисбатан норозилик намойишларини ўтказишган. Марказий Явадаги Соло шаҳридаги бўлиб ўтган намойишларда иштирокчилар мусулмон давлатларини БМТдан чиқишга чақирган.

Кананинг ўзида ҳам йирик норозиликлар уюштирилган. Байрутда якшанба куни БМТ штаб-квартираси эгаллаб олинган.

1996 йилнинг апрелида Кана шунга ўхшаш фожеани бошидан кечирган эди. Ўн йил аввалги ҳаво ҳужуми натижасида 105 нафар тинч аҳоли вакили ҳалок бўлган, 115 дан ортиғи жароҳатланганди.

Исроил давлати 48 соат давомида Ливан жанубига ҳаво ҳужумларини уюштирмасликка розилик билдирган. Тарқатилган хабарларда Исроилнинг бу қарори Ливан жанубидаги ҳудудларга гуманитар ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ эканлиги ҳақида айтилмоқда.

Аммо Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт Исроил Канадаги фожиага қарамасдан, фаол ҳужум ҳаракатларини тўхтатмаслигини маълум қилган. Исроил мудофаа вазири Амир Перецнинг сўзларига қараганда, Ливандаги ҳарбий операция учун яна 5-7 кун зарур, шундан кейин масаланинг сиёсий музокара жиҳатларига тўхтатилиш мумкин бўлар экан.

РОССИЯДА ЯНГИ ПАРТИЯ ТУЗИЛДИ

Россия Афғонистон ветеранлари кенгаши ташаббуси билан тузилган бу сиёсий бирлашма «Миллатпарвар кучлар Ватан учун» номини олган.

Янги сиёсий партияни тузиш учун Россиянинг турли ҳудудларидан 170 га яқин делегатлар Москвада бўлиб ўтган таъсис съездида тўпланишди.

Янги партия дастурининг асосий йўналишлари сифатида бюрократияга қарши кураш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофазасини кучайтириш кабилар белгиланган.

Съезд ташкилий қўмитаси раиси Владимир Костюченконинг айтишича, «Единая Россия» партиясининг 40 фоиз, КПРФнинг 50 фоиз ва «Родина»нинг 80 фоиз сайловчилари янги бирлашманинг электоратига айланиши мумкин.

Партия раиси этиб Россия Афғонистон ветеранлари кенгаши раиси ўринбосари Владимир Костюченко тасдиқланган.

16 КИШИ ЁНҒИН ҚУРБОНИГА АЙЛАНДИ

Якшанба куни Бахрайн давлати пойтахтида юз берган ёнғин натижасида 16 киши нобуд бўлган.

Манамадаги уч қаватлик бинонинг аланга ичида қолиш сабаблари ҳозирча номаълум. Унинг ичидаги барча одамлар тутун таркибидаги кимёвий моддалар билан заҳарланиш натижасида ҳалок бўлишган.

КИМЁ ЗАВОДЛАРИДА АВАРИЯ

Шанба куни Индонезиядаги нефтни қайта ишлаш заводининг портлаб кетиши натижасида 900 киши кимёвий моддалардан зарарланган. Ява оролида етти минг киши эвакуация қилинган.

Завод ишчилари юзага келган заҳарли газ оқишини сунъий ёнғин орқали тўхтатишмоқчи бўлишган. Аммо натижада портлаш юз бериб, катта миқдордаги кимёвий моддалар ҳавога кўтарилган.

Хитойдаги кимёвий заводлардан бирида юз берган портлаш натижасида ҳалок бўлганлар сони йигирма икки кишига етди. Ўттиздан ортиғи жароҳатланган.

Фавқулодда ҳолат жума куни фторбензол ишлаб чиқариш бўйича Хитой-Германия қўшма корхонасининг реакторларидан бирида содир бўлган. Катта миқдордаги зарарли моддалар экологияга жиддий зарар етказган.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунларга келиб ҳаводаги заҳарли моддалар даражаси анчайин пасайган ва кўчирилган аҳоли ўз уйларига қайтиш имкониятига эга бўлган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Утерянный гос.ордер № 05-01/12064 от (дата) 12-11-93 права собственности на квартиру на имя Таджибаевой Азам считать не действительным.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 923.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.30